

АҲОЛИ ДЕМОГРАФИК ЖАРАЁНЛАРИНИ СТАТИСТИК ЎРГАНИШНИНГ НАЗАРИЙ-УСЛУБИЙ АСОСЛАРИ

Сирож Зарина Рустамбековна

Кадрлар малакасини ошириш ва статистик тадқиқотлар

стажёр-тадқиқотчиси

E-mail: zarina_s_r@mail.ru

Мустақиллик йилларида аҳолининг бандлиги ва даромадларини ошириш бўйича катта ишлар амалга оширилди. Давлатимиз ва ҳукуматимиз юзага келаётган катта демографик вазифалар боис аҳолининг жон бошига даромадларини ошириш билан боғлиқ мураккаб вазифаларни бажаришига тўғри келмоқда. Аҳолишуносликни ривожлантириш мамлакат аҳолиси миқдорининг динамикасини ва унинг асосий манбаларини, аҳоли табиий кўпайишидаги ўзгаришларни, урбанизация ва миграция динамикасини, миллий ва ижтимоий таркибини ҳамда унинг меҳнат ресурслари бандлигини тавсифлайдиган мураккаб ижтимоий-иқтисодий ва демографик жараён ҳисобланади.

Ўзбекистонда мустақиллик йилларида кўп хусусиятлари билан собиқ иттифоқ давридагидан фарқланадиган янги демографик вазият юзага келди. Бунга иқтисодиётда муваффақиятли тузилмавий ўзгаришлар, барқарор юқори ўсиш кўламлари натижасида эришилди.

Меҳнат ресурслари, бандлик ва ишсизлик статистикаси маълумотлари давлатнинг аҳоли бандлиги ва меҳнат бозорини ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиши ва истиқболини белгилаши учун зарурдир. Шунингдек, потенциал инвесторлар учун республика ҳудудлари ёки корхоналарида талаб этиладиган (таълим ва малакавий) хусусиятларга эга ишчи кучининг мувофиқлиги масалаларини ечишда, малакавий таълим муассасаларида бозор талабларига жавоб берадиган мутахассисларни тайёрлашнинг касбий тузилмасини шакллантириш учун, корхоналарга кадрлар сиёсатини ишлаб чиқиш, ишчи кучидан фойдаланишни яхшилаш захира(резерв)ларини излаш ва таҳлил қилиш учун ҳамда алоҳида шахслар учун янги ишни тез ва самарали топиш, ўзини қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни оқилона амалга ошириш ва ташкил этиш учун демографик ахборотлар зарур ҳисобланади.



Бугунги кунда аҳолининг иш билан бандлигини таъминлаш муаммоси жамият ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг энг муҳим макроиқтисодий хусусиятларидан бири бўлиб иқтисодиётда алоҳида аҳамиятга эга.

202-2026-йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида¹ маҳаллаларда янги институт сифатида жорий қилинган тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича туман (шаҳар) ҳокими ёрдамчилари ҳамда ёшлар етакчилари фаолияти самарали ёлга қўйиш, вазифалари белгилаб берилган. Хусусан, “Янги иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигига қўмаклашиш бўйича давлат дастури” доирасида хориждан қайтган фуқароларни манзилли ишга жойлаштириш, касб-хунарга ўқитиш орқали қайта тайёрлаш, тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш белгилаб берилган.

Мавзу доирасида ишчи кучларини миграцияси, уларга яратилиши лозим бўлган шарт шароитлар (яшаш ва ишлаш ҳуқуқлари) ва қисқа, ўрта ҳамда узоқ муддатли шартномаларнинг, иш стажи, кадрлар айланмаси даражасининг ишлаб чиқаришга таъсири бўйича С.Алторжай² томонидан олиб борилган тадқиқотда кўриш мумкин. Меҳнат бозори сифат хусусиятининг энг муҳим мезони уни инфра-тузилмасининг ривожланиш даражаси эканлиги, меҳнат бозори инфратузилмасининг ижтимоийиқтисодий моҳияти, таркибий қисмлари элементлари, асосий вазифалари ва функцияларининг айрим жиҳатлари борасида Қ.Х. Абдурахмонов томонидан тадқиқ этилган. Академик Қ.Х. Абдурахмонов “Иш билан бандлик – фуқароларнинг қонун ҳужжатларига зид келмайдиган ўз шахсий ва ижтимоий эҳтиёжларини қондириш билан боғлиқ бўлган, уларга иш ҳақи ва даромад келтирадиган фаолиятидир”, - деган таърифни беради³.

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022-йил 28-январдаги “2022-2026-йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармони. <https://lex.uz/> 2022-й.

² S.Altorjai, Overqualification of immigrants in the UK, Institute for Social and Economic Research, University of Essex. <https://www.iser.essex.ac.uk> 2013-й.

³ R.Lowenstein, An excellent description of the academic debate over how to measure the labor market impact of immigration and how this discussion has influenced the U.S. policy debate. The Immigration Equation, New York Times Magazine, July 9 2006-й



Иш билан бандлик хизматлари шаклланиши ва ривожланишининг асосий йўналишлари Ш.Р. Холмўминов, Н.У. Арабовлар⁴ тадқиқотларида ўз аксини топган.

Иқтисодчи олимларимиздан А.Ўлмасов ва А.Ваҳобовлар фикрича “Бандлик меҳнат қобилиятига эга бўлган ва меҳнат қилишга иштиёқи бор кишиларни ишга жойлашиб, фойдали меҳнат билан машғул бўлишларидир”⁵.

ХВИ асрда (1530-1596) франсуз сиёсий ёзувчиси Ж.Боден томонидан ҳам демографик билимлар бирмунча ривожлантирилган. 1577-йили Ж.Боденнинг Англияда “Республиканинг олти китоби” номли асари нашр этилиб, унинг алоҳида бобида аҳоли ва унинг даромади статистикасини мунтазам ҳисоблаб бориш ҳар қандай давлат учун зарурлиги қайд этилган. Ж.Боденнинг замондоши италиялик сиёсий ёзувчи Д. Ботеро ҳам ўз асарларида аҳоли статистикасига алоҳида этибор қаратади. У аҳоли ҳаракати ҳақида биринчилардан бўлиб фикр юритган олим ҳисобланади. Д.Ботеро ХВИ асрда яшаб, тадқиқотлар олиб борган бўлса-да, унинг ижоди ХХ асрда россиялик олимлар томонидан жуда юқори баҳоланади. Улар Д. Ботерони аҳоли назариясининг асосчилари сифатида тан олишган. Д.Ботеро аҳолини жуда тез кўпайиб бориш хусусиятини таъкидлаб, уни тўхтатишда турли ҳаракатлар, очлик, эпидемия ва урушларни омил сифатида кўрсатади⁶ [7].

Тадқиқот методологиясини аҳоли бандлигини таъминлаш назарияси бўйича мамлакатимиз ҳамда хорижий олимларнинг олиб борган илмий ишлари натижалари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг аҳоли бандлигини таъминлаш ва турмуш фаровонлигини оширишга оид фармон ва қарорлари ташкил этади. Шу билан бирга, ривожланган хорижий мамлакатларда аҳоли бандлигини таъминлаш моделларининг ўзига хос хусусиятларини ўрганиш, Ўзбекистонда аҳоли бандлигини таъминлаш сиёсатини юритишда фойдали жиҳатларини амалиётга киритишда катта туртки бўлиши мумкин. Шу нуқтаи назардан ушбу тадқиқотнинг методологик жиҳати мамлакатимизда инновацион ривожланишфояларини амалиётга жорий этиш ёлларини асослашдан иборат.

⁴ Қ.Х. Абдурахмонов Меҳнат иқтисодиёти (дарслик). -Т.: Меҳнат. 2009 й.. 508-519 б.

⁵ А. Олмасов, А. Ваҳобов Иқтисодиёт назарияси. Дарслик. – Т.:Иқтисодмолия, 2014-й. 420- 424 б.

⁶ Шелестов Д.К. Демография: История и современность.-М.1983г. 21-34 с.



Демографик жараёнлар жуда ҳам бир-бирига зид ва кўп омиллар таъсирида бўлади: ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, миллий, табиий ва ҳ.к. Масалан, ҳозирги даврда Ўзбекистонда замонавий демографик жараёнлар ўзининг таранглиги ва кескинлиги билан фарқ қилади. Мазкур жараёнлар асосида мамлакатдаги ижтимоий-иқтисодий вазият ётади. Шуни қайд қилиш даркорки, барча демографик жараёнлар у ёки бу миқдорда аҳолининг бандлигига таъсир қилади.

Ўзбекистон Республикасининг доимий аҳолиси сони 2018-йил 1-январ ҳолатига 32 656,7 минг кишини ташкил этиб, 1991-йилдагига нисбатан 12 049 минг кишига, яъни 58,5%га ўсган (1-жадвал).

1-расм. Ўзбекистонда доимий аҳоли сони динамикаси, минг киши

Йиллар	Жами аҳоли сони		Шаҳар аҳолиси сони		Қишлоқ аҳолиси сони	
	минг киши	2001-йилга нисбатан ўсиши, %	минг киши	2001-йилга нисбатан ўсиши, %	минг киши	2001-йилга нисбатан ўсиши, %
2001	24813,1	100,0	9225,3	100,0	15587,8	100,0
2002	25115,8	101,2	9286,9	100,7	15828,9	101,5
2003	25427,9	102,5	9340,7	101,3	16087,2	103,2
2004	25707,4	103,6	9381,3	101,7	16326,1	104,7
2005	26021,3	104,9	9441,9	102,3	16579,4	106,4
2006	26312,7	106,0	9495,1	102,9	16817,6	107,9
2007	26663,8	107,5	9584,6	103,9	17079,2	109,6
2008	27072,2	109,1	9698,2	105,1	17374	111,5
2009	27533,4	111,0	14236	154,3	13297,4	85,3
2010	28001,4	112,8	14425,9	156,4	13575,5	87,1
2011	29123,4	117,4	14897,4	161,5	14226	91,3
2012	29555,4	119,1	15143,2	164,1	14412,2	92,5
2013	29993,5	120,9	15370,1	166,6	14623,4	93,8
2014	30492,8	122,9	15555,2	168,6	14937,6	95,8
2015	31025,5	125,0	15748	170,7	15274,5	98,0
2016	31575,3	127,2	15963,9	173,0	15611,4	100,1
2017	32120,5	129,4	16250,8	176,2	15869,7	101,8
2018	32656,7	131,6	16532,7	179,2	16124	103,4
2019	33255,5	134,0	16806,7	182,2	16448,8	105,5
2020	33905,2	136,6	17144,1	185,8	16761,1	107,5
2021	34558,9	139,3	17510,4	189,8	17048,5	109,4



Юқоридаги 1-жадвалдан кўринадики, 2001-йилда Ўзбекистон жами аҳолисининг 37,2 фоиз шаҳар ва 62,8 фоиз қишлоқ аҳолиси ташкил қилган бўлса, 2001-йилга нисбатан жами аҳоли сони 139,3 фоизга, шаҳар аҳолиси 189,8 фоизга ва қишлоқ аҳолисида 109,4 фоизга ўсганлигини кузатишимиз мумкин.

Аҳоли сони мамлакат ва унинг аҳолиси ҳақида етарли маълумот бера олмайди.

Бунинг учун аҳоли зичлиги ёки аҳоли жон бошига тўғри келадиган ЯИМ кўрсаткичлари ҳисоблаб топилиши керак ва ушбу кўрсаткичлар мамлакатнинг иқтисодий-ижтимоий ҳолатини акс эттириши мумкин. Аҳоли зичлигини ушбу формула ёрдамида ҳисоблаб топиш мумкин:


$$Az = \frac{As}{Hm} \quad (1)$$

Бу ерда:

Az – аҳоли зичлиги;

As – аҳоли сони;

Hm - Худуд майдони.



1-расм⁷. Ўзбекистонда 1 км² тўғри келадиган аҳоли сони
Юқоридаги жадвалдан кўришиб турибдики, аҳоли зичлиги йиллар давомида ўсиб келиши ҳудуд ўзгармаган ҳолда аҳоли сонининг ортиши зичликнинг ортиб боришига олиб келади.

2-жадвал⁸ Ҳудудлар кесимида аҳолининг бандлик даражаси, %да

Ҳудудлар	2000	2006	2011	2016	2021
Ўзбекистон	69,4	67,7	66,2	68,7	67,0
Қорақалпоғистон	60,6	58,3	57,0	58,1	61,1
Андижон	70,9	70,0	68,6	72,3	68,2
Бухоро	75,8	74,5	73,5	72,9	67,2
Жиззах	60,2	58,1	56,0	59,1	67,5
Қашқадарё	67,7	62,6	61,1	64,3	62,2
Навоий	75,3	77,9	74,6	72,8	68,3
Наманган	60,8	58,4	56,6	61,9	65,5
Самарқанд	68,2	65,3	64,0	68,7	63,7
Сурхондарё	67,7	62,7	62,2	65,4	64,5
Сирдарё	73,7	71,3	72,1	71,7	64,5
Тошкент	70,2	69,9	71,8	75,4	72,4
Фарғона	72,5	71,3	67,9	69,6	66,2
Хоразм	65,5	62,8	63,3	66,3	64,0
Тошкент ш.	78,7	83,5	80,7	81,0	81,3

Меҳнат билан банд бўлган фуқаролар:

- ёлланиб ишлаётганлар, шу жумладан ишларни тўлиқ бўлмаган иш вақти мобайнида ёки уйда иш ҳақи олиб бажараётган, шунингдек, ҳақ тўланадиган бошқа ишга, шу жумладан вақтинчалик ишга ега бўлган фуқаролар;
- касаллик, таътил қайта тайёргарлик, малака ошириш, ишлаб чиқаришнинг тўхтаб туриши туфайли, шунингдек, қонун ҳужжатларига мувофиқ вақтинчалик ишда бўлмаган ходим учун сақланиб қоладиган бошқа ҳолатларда иш жойида вақтинчалик бўлмаган фуқаролар;

⁷ www.stat.uz расмий сайти статистик маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

⁸ www.stat.uz расмий сайти статистик маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

- ҳақ тўладиган лавозимига сайланган ёки тайинланган фуқаролар;
- ўзини мустақил равишда иш билан таъминловчи фуқаролар, жумладан, Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчилар, ҳунармадлар, деҳқон хўжаликлари, ишлаб чиқариш кооперативлари аъзолари, фермерлар ва қонунчилик назарда тутилган бошқа фаолият турлари билан шуғулланувчилар;

- Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида, жумладан, Ички ишлар вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизмати кўшинларида хизматни, шунингдек, муқобил хизматни ўтаётган фуқаролар ва бошқалар;

- нодавлат нотижорат ташкилотларида, шу жумладан, ўз фаолиятини қонунчиликка мувофиқ амалга ошираётган диний ташкилотларда ишловчилар. Ишга жойлаштиришга муҳтож меҳнат билан банд бўлмаган аҳоли (ишсизлар) – қонун ҳужжатларига мувофиқ расман ишсиз сифатида рўйхатдан ўтказилган шахслар, шунингдек ҳақ тўланадиган ишга ёки даромад келтирувчи машғулотга ега бўлмаган, мустақил равишда иш изловчи ва бундай иш таклиф етилса, ишга жойлашишга тайёр бўлган меҳнатга лаёқатли ёшдаги вақтинча меҳнат билан банд бўлмаган шахслардир. Уларнинг тўғрисидаги маълумотлар 2-жадвалда келтирилган.

Юқоридаги жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, мамлакатимизда аҳоли сонининг ортиши билан иқтисодийтимизда янги иш ўринлари яратилиши сабабли бандлик даражаси турли омиллар таъсирида турлича кўрсаткичларга ега бўлмоқда. Масалан, 2016-йилда Тошкент шаҳрида бандлик даражаси 75,4 фоизни ташкил қилган бўлса, 2021-йилга келиб Тошкент шаҳрида доимий рўйхатдан ўтказиш тизимидаги ўзгаришлар туфайли шаҳар аҳолиси сони ўсган ва шунинг ҳисобига унинг таркибида ишсизлар сони ҳам ортанлигини кўришимиз мумкин.

Меҳнат ресурслари, бандлик ва аҳолини ишга жойлаштиришнинг ҳисобот ва прогноз балансларини қуйидаги мақсадлар учун ишлаб чиқиш зарур:

1. Аҳоли бандлигини, биринчи навбатда, ёшларни ва меҳнатга лаёқат ёшига йетган ва биринчи маротаба меҳнат бозорига кириб келаётганлар бандлигини таъминлаш учун иш ўринлари ташкил этиш параметрларини аниқлаш.



2. Меҳнат бозори талаб ва таклифи баланси ва тузилмасидаги номуносиваликни баҳолаш.

3. Ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ва иқтисодиёт тармоқларини ривожлантириш стратегиясини ҳисобга олган ҳолда меҳнат бозори истиқболини аниқлаш.

4. Таълим муассасалари томонидан кадрлар тайёрлаш миқдорини аниқлаш.

Юқоридаги вазифаларни бажариш учун Ўзбекистон Республикасининг меҳнат ресурслари, бандлик ва аҳолини ишга жойлаштириш балансининг намунавий тузилмаси. Истиқболни белгилашда юзага келиши мумкин бўлган қийинчиликларни бартараф қилиш учун мазкур намунавий тузилмада кўрсаткичлар номи, уларни ҳисоблаш алгоритми, ҳисобот баланси, баҳода (жорий йил) ва прогноз баланси (келгуси йил) ўз аксини топиши керак.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, юқорида қайд этиб ўтилган методикани ишлаб чиқиш ва уни амалиётга жорий этиш орқали меҳнат ресурслари, бандлик ва аҳолини, илк маротаба меҳнат бозорига кириб келаётган ёшларни ишга жойлаштиришни ҳар томонлама, сифатли ва объектив таҳлил қилиш, иш билан бандлик даражасини ошириш учун замин яратилади. Бу еса, анъанага кўра ҳар йил иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури лойиҳаларини ишлаб чиқишда фойдаланиш ва амалиётдаги самарадорлигини янада ошириш имконини беради.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:

1. A. Olmasov, A. Vahobov *Iqtisodiyot nazariyasi.Darslik.* – T.:Iqtisodmoliya, 2014-y. 420- 424 b.
2. Шуваева Е.В. *Занятость как важнейший элемент трудовых отношений // Актуальные вопросы экономических наук: Материалы международ. науч. конф.- Уфа : Лето, 2011.34-42 с.*
3. Павленков В.А. *Рынок труда. Занятость. Безработица.* М.: МГУ, 2004 г..- 580-584 с.
4. Саруханов Э.Р. *Проблемы занятости в период перехода к рынку.* СПб.: СПбУ. ЭФ, 2001г.-254-258 с.
5. Костин Л.А., Зуцина Г.М., Султанова Р.М. *Рынок труда и теория занятости: учебное пособие.* М.: АТиСО, 1997г.- 420-424 с



6. *Sh.R. Xolmo‘minov Mehnat bozori rivojlanishining tahlili. Jamoaviy monografiya. T.: Fan va texnologiya. 2016.- 137 b.*
7. *Шелестов Д.К. Демография: История и современность.-М.1983г. 21-34 с.*
8. *М. Во‘риева Демография asoslari. – Т.,. 2001-у. 12-13-б*
9. *Дружинина, В.В. Обеспечение сбалансированности местного рынка труда: зарубежный опыт. // Научный Вестник Херсонского государственного университета. – 2014 г. – № 6. 124–128 с.*
10. *www.stat.uz*

